



## СУРГУН ҚИЛИШ ЧОРАСИ ОРҚАЛИ ҚИШЛОҚДАГИ ИНФРАСТРУКТУРАНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИ

**Бахтиёр Расулов**

Тарих фанлари доктори,  
доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7248025>

### ARTICLE INFO

Received: 6<sup>th</sup> October 2022

Accepted: 15<sup>th</sup> October 2022

Online: 25<sup>th</sup> October 2022

### KEY WORDS

Деҳқон, сургун, қатағон,  
инфратузилма, қишлоқ

### ABSTRACT

*Мақолада сургун қилинган деҳқонларнинг яшаш шароитлари ва уларнинг ўзгариши билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. Муаллиф сиёсий тизим сургун қилинганлар ҳаётига мунтазам равишда салбий таъсир кўрсатиб келганига эътибор қаратган.*

ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 1930 йилнинг дастлабки кунлариданоқ қишлоқдаги бадавлат деҳқонлар тақдири ҳақида стратегик қарорга келди. Қулоқлаштириш ва у билан боғлиқ равишда “қулоқлар сургуни” сиёсий амалиётнинг энг долзарб масаласига айланди. Шу ўринда совет қишлоқларидаги инфраструктурани ўзгартириш, яъни “социалистик йўлга солиш”нинг энг шафқатсиз усули - бой деҳқонларни бутун оилалари билан оммавий сургун қилиш, мажбуран кўчиришга қарор қилинганлигининг асосий шарт – шароитлари ва омиллари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Совет тоталитар режими сургун қилиш сиёсатини 1930 йилдан эмас, балки большевиклар ҳокимиятга келган дастлабки йилларданоқ қўллай бошлаган. РКП(б) Сиёсий бюросининг 1920 йил 29 июнь ва 5 декабрдаги йиғилишларида РСФСРдаги сургун тизими ва қулоқларни “жазо тартибида” концентрацион лагерларга жўнатиш

масалалари кўрилган<sup>1</sup>. Бу чорани оммавий асосда эмас, балки индивидуал тарзда қўлланилиши кўрсатилган. Шунга қарамай, дастлабки оилавий сургун Туркистонда амалга оширилган. 1921-1922 йиллар РКП(б) МК Туркбюро аъзоси бўлган Г.И.Сафаров ташаббуси билан Туркистондаги рус мужиклари Россияга кўчирилган<sup>2</sup>. Биринчи ҳужжатлаштирилган оилавий сургун 1921 йил 16 апрелда Сирдарё вилояти Чимкент уездида қайд этилди. Туркистон ўлкасидан ташқарига, Россиянинг Калуга губерниясига 20 қулоқ оиласи сургун қилинган эди. РКП(б) X съездида миллий масала бўйича И.Сталинга ҳаммаърузачи бўлган Г.И.Сафаров Туркистондаги ер-сув ислохоти ҳақида гапирар экан, бутун қулоқ посёлкалари сургун

<sup>1</sup> Полян П. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. – М.: О.Г.И.-Мемориал, 2001. – С. 3

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р. Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати.–Т.:Шарқ, 2005. – 129 б.



қилинганини фахр билан эсга олган<sup>3</sup>. 1921–1922 йилларда ўтказилган ер–сув ислохотининг асосий мақсадларидан бири Столипин даврида Туркистонга келиб ўрнашган рус мужиклари – кулакларнинг ерларини маҳаллий аҳоли ерлари билан тенглаштириш эди. Чунки улар чоризм мустамлакаси даврида энг унумдор ерларнинг каттагина қисмига ўрнашиб олган эдилар. Бу ислохот “қулоқлар шовинизми”га қарши кураш шиори остида ўтди.

Ер-сув ислохоти жараёнида нафақат рус кулаклари, балки маҳаллий бойлар ҳам сургун қилинган. Чунончи Андижон уезд – шаҳар ижроқўмининг 1921 йил 17 июндаги хужжатида Бозорқўрғон туманидан 131 та бой–қулоқ сургун қилингани қайд этилган<sup>4</sup>. 1922 йил 10 августда Бутунроссия марказий ижроия қўмитасининг (БМИҚ) “Маъмурий сургун тўғрисида”ги Декрети қабул қилинди<sup>5</sup>. Унда ҳибсга олишга муқобил чора сифатида сургуннинг уч тури белгиланди:

- а) муайян ҳудудларда яшашни ман қилувчи;
- б) айнан белгиланган жойларга;
- в) чет элга.

Сургун муддати 2 ойдан 3 йилгача қилиб белгиланди. Сургун ҳақидаги қарор якка тартибда чиқарилиб, сургундагиларни назорат қилиш маҳаллий ГПУ органларига юклатилди. Сургундагилар улар белгилаган

жойларда яшашлари ва ҳар уч кунда рўйхатдан ўтиши кўрсатилган. Мазкур декретга киритилган қўшимчага асосан НКВД ҳузуридаги махсус комиссияга айрим тоифадаги фуқароларни мажбурий меҳнат лагерларига юбориш ваколати берилган.

Совет Иттифоқида “пахта мустақиллиги учун кураш” шиори остида четдан келтириладиган пахтага бўлган қарамликка барҳам бериш мақсадида қўшимча ерларни ўзлаштиришга катта эътибор қаратилди. Аҳоли зич ҳудудлардаги хўжаликлар янги ўзлаштирилаётган ерларга кўчирилди. Бу сиёсат расман ихтиёрий, режали ва тартибли кўчириш деб номланди ҳамда ички минтақавий хусусиятга эга бўлди.

Кўчириш сиёсатини режалаштириш ва амалга ошириш учун 1925 йил 10 апрелда махсус давлат органи – СССР МИҚ ҳузурида Бутуниттифоқ кўчириш комитети (ВПК) ташкил этилди. ЎзССР МИҚ ва ХКСнинг 1927 йил 21 февралдаги “ЎзССР доҳилида режавий муҳожирот ишларининг очилиши тўғрисида” (Об открытии планового внутри-республиканского переселения в УзССР)<sup>6</sup>ги Декретига асосан ерга муҳтож деҳқонларга ер ажратиб бериш баҳонасида Ўзбекистоннинг ички ҳудудларига ихтиёрий-мажбурий кўчириш қонуний тусга кирди. “Ихтиёрийлик” кўп ҳолларда нисбий бўлишига қарамай, бу кўчиришни, кейинги йиллардаги мажбурий кўчиришлар билан асло аралаштириб бўлмайди. Чунки бу кўчириш Ер ишлари Халқ комиссарлиги томонидан ўзлаштирилмаган ерларни хўжалик

<sup>3</sup> Полян П. Не по своей воле... – С. 4. // Генис В.Л. Депортация русских из Туркестана в 1921 году («Дело Сафарова»). – Вопросы истории. – Москва, 1998. – № 1. – С.44-58.

<sup>4</sup> Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда кулокларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.55

<sup>5</sup> Полян П. Не по своей воле... – С. 4.

<sup>6</sup> Сборник узаконений и распоряжений Правительства УзССР. Ст. № 50 - Самарканд, 1925. - С.214.



оборотида киритиш мақсадида давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган<sup>7</sup>. Шунга қарамай, ички режали кўчириш сиёсатининг молиявий таъминоти етарли даражада бўлмади. Шунингдек, кўчиб борганлар ўртасида янги жойларни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш оммавий тус олди. Натижада советларнинг ихтиёрий режали кўчириш сиёсати ҳеч қандай самара бермади. Аммо бу тажриба изсиз йўқолиб кетмади. Компартиянинг ёппасига коллективлаштиришни эълон қилиши арафасида, ихтиёрий-мажбурий кўчириш сиёсати замирида П.М.Полян таъкилаганидек “мажбурий кўчириш ва мажбурий меҳнатга жалб қилиш ғояси эшик қоқмоқда эди”<sup>8</sup>.

Чекка ерларни ўзлаштиришда судланганларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланиш лозимлигини биринчи бўлиб РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ комиссари ўринбосари, кейинчалик СССР Адлия Халқ комиссари бўлган Н.М. Янсон кўтариб чиққан. У ва РСФСР НКВДси комиссари В.Н. Толмачев лагер-турма тизимини таҳлил қилар эканлар, маҳкум этилганларнинг меҳнати бу соҳада самарали бўлиши, унумдорлиги эса кўпинча эркин ёлланганларникидан юқори туришини таъкидлаганлар<sup>9</sup>.

1929 йил сўнггида И.Сталин томонидан қулоқларни чеклаш ва сиқиб чиқариш сиёсатидан, “синф сифатида тугатиш сиёсати”га ўтилганлиги эълон қилиниши билан режали кўчириш ғояси

коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва “қулоқлар сургуни” ғояси билан уйғунлашиб кетди.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги “Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари тўғрисида” қарори коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағон шакли бўлмиш оммавий сургун сиёсати ва амалиётига ўтишга ҳуқуқий асос бўлди.

СССР МИҚ ва ХКСнинг 1930 йил 1 февралдаги “Ёппасига коллективлаштириш районларида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуришни мустаҳкамлаш ва қулоқларга қарши кураш тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг иккинчи бандига асосан область ижроқўмларига қулоқларга қарши курашнинг барча чораларини қўллаш, ҳатто бутун мол-мулкни мусодара қилиб, яшаб турган райони ва областидан сургун қилиш ваколати берилди<sup>10</sup>. Мазкур қарор 1930 йил 2 февралда “Известия” газетасида эълон қилинди. Аммо уни ёппасига коллективлаштириш районларида зудлик ва бошқа районларда эса имкониятга қараб амалга оширилиши учун қарорга қўшимча ва тушунтириш тарзида 1930 йил 4 февралда барча иттифоқдош ва автоном республикалар МИҚ ва ХКСлари, ўлка ва область ижроия қўмиталарига БМИҚнинг “Қулоқлар мол-мулкни мусодара қилиш, сургунга юбориш ва жойлаштириш тўғрисида”ги махфий йўриқномаси юборилди<sup>11</sup>. СССР МИҚ

<sup>7</sup> Қаранг. Ботирова Б. 1930 йилларда Фарғона водийси аҳолисини Жанубий Ўзбекистонга кўчирилиши тарихидан. //Ватанимиз ўтмишидан. - Андижон, 2007. – Б. 129 - 131.

<sup>8</sup> Полян П. Не по своей воле... – С. 60.

<sup>9</sup> Ўша жойда.

<sup>10</sup> Трагедия среднеазиатского кшшлака... Т.1. – С. 323.

<sup>11</sup> Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930–1940: В 2 кн. Кн.1... – С. 62 –



раиси М.Калинин, СССР ХКС раиси А.И.Риков ва СССР МИҚ котиби А.Енукидзе имзолаган мазкур махфий йўриқнома совет тоталитар режимининг сургун сиёсатини амалга ошириш меҳанизмлари ишлаб чиқилган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Махфий йўриқнома учта бўлим, 15 банддан иборат бўлиб, биринчи бўлим “Қулоқларни сургун қилиш ва жойлаштириш” деб номланади. Қулоқларнинг камбағал-ўртаҳол деҳқонларнинг айрим қатламларига бўлган таъсирига қатъий барҳам бериш ва совет ҳокимияти ҳамда колхозлар олиб бораётган тадбирларга қулоқларнинг ҳар қандай аксилинқилобий қаршилиқ кўрсатишга уринишларини бостириш мақсадида:

а) фаол қулоқларни, бирмунча бадавлат қулоқлар ва ярим помешчикларни совет Иттифоқининг чекка жойлари ҳамда муайян ўлканинг чекка районларига мажбуран кўчириш;

б) бошқа қулоқларни ўзлари яшаб турган район доирасидаги колхоз ерларидан ташқарида ажратилган янги участкаларга кўчириб жойлаштириш кўзда тутилган.

Қулоқларни Совет Иттифоқининг чекка жойларига етказиб боришни ташкил этиш ва етказиб бориш ОГПУ зиммасига юклатилган. Ўлканинг чекка районларга қулоқларни сургун қилиш вазифаси ўлка (область) ижроқўмларига, район миқёсида жойлаштириш округ ва район ижроқўмларига топширилган.

Сургун қилинаётган ва жойлаштирилаётган қулоқ

хўжаликлари сони райондаги мавжуд қулоқ хўжаликларининг аниқ миқдоридан келиб чиқиб районлар бўйича қатъий дифференциацияланиши ва барча районлар бўйича тугатилаётган қулоқ хўжаликларининг сони барча районлар бўйича ўртача 3-5 фоизни ташкил этиши лозимлиги кўрсатилган.

Сургун қилинаётган қулоқ хўжаликлари рўйхати колхозчи ва камбағал-батраklar йиғилиш қарорлари асосида район ижроқўмлари томонидан тузилган, округ ижроия комитетлари томонидан тасдиқланган. Қолган қулоқ хўжаликлари жойлаштириш тартиби округ ижроқўмлари томонидан белгиланган. Сургун қилинаётган қулоқлар оиласи аъзолари ўз хоҳишлари ёки райижроқўмларнинг розилиги билан аввалги яшаш жойида вақтинча ёки доимий қолиши мумкин бўлган<sup>12</sup>.

*Иккинчи бўлимда* “Қулоқларнинг мол-мулкани мусодара қилиш” тартиби белгиланган. Унга кўра ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқларнинг ишлаб чиқариш воситалари, ҳайвони, хўжалик ва турар жой бинолари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари, озиқ-овқат, озуқа ва уруғлик заҳиралари, ортиқча уй буюмлари, шунингдек, нақд пуллари мусодара қилиниши кўрсатилган.

Қулоқлардаги омонат дафтарчалари ва давлат заёми облигациялари тортиб олиниб, сақлаб туриш учун Молия Халқ комиссарлигининг тегишли органларига тилхат орқали берилиши кўзда тутилган. Ёппасига коллективлаштириш районларида

65; Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1. – С. 612–616.

<sup>12</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1. – С. 613.



қулоқларнинг омонат кассаларидаги омонатларини ҳамда облигацияларини гаровга қўйиш эвазига берилаётган ссудалар ҳеч бир шартсиз тўхтатилган. Кооператив бирлашмаларга топширилган пайлар ва омонатлари камбағаллар ва батрақларнинг коллективлаштириш фондига ўтказилиб, ўзлари кооперациянинг барча турларидан чиқариб юборилиши белгиланган<sup>13</sup>.

Махфий йўриқноманинг учинчи бўлимида шу район ва округда қолган “Қулоқ хўжалиқларини жойлаштириш тартиби” белгиланган. Мажбурий кўчирилаётган қулоқлар жойлаштириладиган ва махсус комитет (учлик) ёки райижроқўм томонидан тайинланиб, окрижроқўм тасдиқлаган вакиллар бошқарадиган посёлкаларни аниқлаш Округ ижроқўмларига юклатилган. Жойлаштирилганларга маълум ишлаб чиқариш топшириғи берилган ҳамда давлат ва кооператив органларга товар маҳсулотлари топшириш мажбурияти юкланган<sup>14</sup>.

Айнан, 1930 йилнинг 4 феврида СССР МИҚ Президиуми совет тоталитар режими давридаги яна бир энг мудҳиш хатога йўл қўйди. Жуда оғир оқибатларга олиб келган бу хато ижро ҳокимиятига суд ҳокимияти ваколатини берилиши бўлди. Шу кунги йиғилишда СССР МИҚ Президиуми ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги қарорининг “Махсус қарор” деб номланган IV бўлими 2-бандидаги ОГПУнинг суддан ташқари иш кўриш ваколатига таалуқли

кўрсатмасини<sup>15</sup> бажариш мақсадида, ОГПУга қулоқларни тугатиш компаниясини ўтказиш даврида, ўзининг суддан ташқари ишларни кўриш ваколатини<sup>16</sup> ўлка ва областлардаги Бирлашган давлат сиёсий идорасининг ваколатли вакиллиги (ПП ОГПУ)га ишониб топшириш ҳуқуқига эга бўлди<sup>17</sup>. Гарчи областлардаги ПП ОГПУлар суддан ташқари ишларни оближроқўм\* ва прокуратура вакиллари иштирокида кўрилиши белгиланган бўлса ҳам, амалиётда бу органлар фаолияти назоратдан четда қолди.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 20 февралдаги қарорининг “Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ (бой)ларга нисбатан тадбирлар тўғрисида”ги Д) қисмининг биринчи бандида МКнинг 1930 йил 30 январдаги қарорига қўшимча тарзда, миллий районлардаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда 1-тоифадаги фаол аксилинқилобий бой қулоқларни концлагерларга қамаш ҳамда ўта хавфли кишиларга нисбатан олий қатағон чорасини қўллашдан тўхтамаслик кўрсатилган. 2- ва 3-

<sup>15</sup> Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930–1940: В 2 кн. Кн.1... – С. 74.

<sup>16</sup> СССР МИҚ Президиуми ўзининг 1927 йил 15 июндаги қарорига асосан ОГПУга оқ гвардиячилар, аксилинқилобчилар, жосулар ва бандитларларнинг ишларини суддан ташқари тартибда кўриш ваколатини берган эди. Қаранг: Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930–1940: В 2 кн. Кн.1... – С. 763.

<sup>17</sup> Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930–1940: В 2 кн. Кн.1... – С. 66.

\* Шу ўринда Сиёсий бюро ва МИҚ қарорларидаги сиёсий идора ва прокуратура билан бирга “тройка” таркибида ишлайдиганларга тегишли формулировкаларда номутаносиблик кўзга ташланади: Сиёсий бюро қароридида компартия обкоми вакиллари кўрсатилган бўлса, МИҚ қароридида оближроқўм вакиллари ҳақида сўз боради.

<sup>13</sup> Ўша жойда, – С. 614.

<sup>14</sup> Ўша жойда, – С. 615.



тоифадаги қулоқларни эса республикаларнинг ёппасига коллективлаштириш районлари доирасидан ташқарига, лекин чегарага яқин бўлмаган энг ёмон ерларга жойлаштириш белгиланган. Шунингдек, истисно тариқасида Ўрта Осиё республикаларидан чегараланган миқдорда, миллий республикалардан ташқарига сургун қилишга қарор қилинди<sup>18</sup>. Иккинчи бандида Ўрта Осиёдан маҳаллий миллат вакили бўлмаган 400 тагача қулоқ оилаларини миллий республикадан ташқарига мажбурий тартибда кўчириш белгиланди<sup>19</sup>.

---

<sup>18</sup> Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930– 1940: Кн.1. – М.: **РОССПЕН, 2005.** – С.117.

<sup>19</sup> Ўша жойда, С.118.



## References:

1. O'zbekiston Respublikasining maqullangan "Bolalarni ularning sog'lig'iga zarar yetkazuvchi axborotdan himoya qilish" to'g'risidagi qonuni. T.: 2017
2. Abbasxo'jayev O. Umarova N. Qo'chqorov R. Mafkura poligonlaridagi olishuv. T.: Akademiya, 2007
3. Do'stmuhammad Xurshid. Ommaviy axborot vositalarini rivojlantirishning demokratik andozalari.- Toshkent: O'zbekiston, 2005.
4. Qaxxorova SH. Global ma'naviyat- globallashuvning g'oyaviy asosi. T.: Tafakkur, 2009
5. <http://google.uz>